


**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик  
жамияти Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология  
ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши**



**ТАРМОҚ (ТАРИФ) КЕЛИШУВИ**

*(2022-2024 йиллар учун)*

Тошкент – 2022 йил

## МУНДАРИЖА

I.	<i>Бўлим. Умумий қоидалар</i>	-	3
II.	<i>Бўлим. Тарафларнинг мажбуриятлари</i>	-	3
2.1.	<i>Жамият мажбуриятлари:</i>	-	3
2.1.1.	<i>Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти</i>	-	3
2.1.2.	<i>Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш</i>	-	4
2.1.3.	<i>Иш вақти ва дам олиш вақти</i>	-	9
2.1.4.	<i>Меҳнатга ҳақ тўлаш</i>	-	14
2.1.5.	<i>Меҳнатни муҳофаза қилиш</i>	-	18
2.1.6.	<i>Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	23
2.1.7.	<i>Ижтимоий шериклик. Касаба уюммаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши</i>	-	26
2.2.	<i>Касаба уюммаси Республика кенгашининг мажбуриятлари</i>	-	29
III.	<i>Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари</i>	-	32
IV.	<i>Бўлим. Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	34
V.	<i>Бўлим. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар</i>	-	35
VI.	<i>Бўлим. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишлари</i>	-	37
VII.	<i>Бўлим. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасида</i>	-	39
VIII.	<i>Бўлим. Меҳнат низоларини ҳал этиш</i>	-	39
IX.	<i>Бўлим. Келишувнинг бажарилишини таъмин қилиш ва назорат қилиш тартиби</i>	-	40

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти билан  
Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши ўртасида 2022-2024 йиллар учун**

**ТАРМОҚ (ТАРИФ) КЕЛИШУВИ**

**I. Бўлим. Умумий қондалар**

**1.1.** Мазкур келишув “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти бошқаруви (келгусида – «Жамият» деб юритилувчи) билан Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (келгусида – «касаба уюшма Республика Кенгаши» деб юритилувчи) ўртасида жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий шериклик тамойили остида конструктив ҳамкорликни таъминлаш ва бозор муносабатлари шароитида тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида тузилган.

**1.2.** Мазкур келишув меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи ҳамда ходимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминловчи жамият миқёсидаги меъёрий ҳужжатдир.

**1.3.** Мазкур келишув асосида Жамият тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотларда иш берувчи билан касаба уюшма органи ўртасида жамоа шартномалари тузилади.

Корхона ва ташкилотлар (таркибий бўлинмалардан ташқари) ўз ички имкониятларидан, ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур келишувга киритилган у ёки бу кўрсаткичларни камайтирмаган ҳолда жамоа шартномаларига қўшимча тарзда кафолат ва имтиёзлар киритиш ҳуқуқига эга.

**II. Бўлим. Тарафларнинг мажбуриятлари**

**2.1. Жамият қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**2.1.1. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти.**

**2.1.1.1.** Истиқболли (прогноз) кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ишлар ва хизматлар ҳажмини кўпайтириш ва барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва жамиятни ривожлантириш стратегияси шакллантирилади.

**2.1.1.2.** Асосий кўрсаткичлар бўйича йиллик ишлаб чиқариш вазифаларининг бажарилишини таъминлаш (молиявий-иктисодий имкониятларни инобатга олган ҳолда).

**2.1.1.3.** Жамият таркибига кирувчи барча корхоналарда ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар учун сарфланадиган харажатларни аниқлаш бўйича молиявий-иктисодий имкониятларни ҳамда касаба уюшма ташкилотлари сайланма

органларининг фикрини инобатга олган ҳолда назорат-режа кўрсаткичларини шакллантириш.

**2.1.1.4.** “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси”га мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда Корхона шаънига путур етказиш калтисликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар:

- корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспортга мўлжалланган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминловчи замонавий технологияларни жорий қилиш жараёнларини жадаллаштириш;

- ички ва ташқи бозорда корхона маҳсулотларининг (ишлари, хизматлари) рақобатбардошлигини ошириш;

- технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ва бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига;

- техник, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

## **2.1.2. Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш.**

**2.1.2.1.** Тузилган меҳнат шартномаларига асосан касблар, малакалари мувофиқ ходимларнинг бандлиги таъминланади.

**2.1.2.2. Ходим ва Иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларига биноан ёзма равишда тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ишга қабул қилинган шахслар билан **касаба уюшма кўмитасида** таништирув суҳбати ўтказилади.**

**2.1.2.3. Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда албатта касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан ёзма розилиги олинади ва бу қондани жамоа шартномаларида акс эттирилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 101-модда).**

Қуйидаги ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилинишида касаба уюшма кўмитасининг розилиги талаб қилинмайди:

- корхонани тугатилиши муносабати билан;
- мулк эгасининг алмашиши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшмаси кўмитасида “Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия кўмитасининг 19.03.2021 йилдаги 2-37

“с”-сон қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органларида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби” асосида кўриб чиқилади.

**2.1.2.4 Иш берувчи** ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этиш, ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**Корхона** ходимларининг рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг ўн ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси).

**2.1.2.5. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши ва оптимизациялаш муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда:**

- ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (қелгусида Меҳнат кодекси) 103-моддаси талабларига мувофиқ ишда қолиш афзалликларига эга бўлган ходимлар тоифалари инобатга олиш;

- ишлаб чиқариш зарурияти ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда вақтинча ва ўриндошлик лавозимида ишлаётганлар сонини чеклаш;

- штатлар қисқартирилганда Меҳнат кодексининг 103-моддасида кўзда тутилган ходимлар тоифаларидан ташқари пенсия ёшига тўлишига 2 йил қолган ходимларга ҳам ишда қолишда афзаллик бериш;

- ишдан бўшатилаётган ходим корхонасига ёки ташкилотига зарур бўлган ихтисослик бўйича меҳнат муносабатларини давом эттириш хоҳишини билдирса, унинг қайта ўқитилишини ташкил қилиш ва ўқиш даврида унга ўртача иш ҳақи тўлаш;

**2.1.2.6. Таркибий бўлинмалар, бўлимлар ва бошқаларни тугатиш ёки таркибий жihatдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида касаба уюшма кўмиталарини олдиндан хабардор қилинади.**

**2.1.2.7. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 94-модда талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

**2.1.2.8.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказиш ва бунда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 95-модда талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан ходим (ўзининг розилигисиз) вақтинча бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланувчи ҳолатлар жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ходим иш билан таъминланмаган ҳолатлар бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти билан, бекор туриб қолишларда эса – бекор туриб қолинишнинг бутун даври билан белгиланади.

Барча ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида **60 кундан** ошмаслиги керак.

Ходим иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажарилаётган ишга қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

**2.1.2.9.** Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 130-132 моддалар талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

**2.1.2.10.** Худудий бандлик дастурига киритилган корхоналарда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни иш жойи билан таъминлаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган квоталарга амал қилинган ҳолда қўшимча иш ўринлари яратилиши таъминланади.

**2.1.2.11.** Иш берувчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича йиллик сарф-харажатларни молиялаштириш маблағларини тасдиқлайди ва амалга оширади.

**2.1.2.12.** Яширин ишсизлик ҳолатларида (ходимнинг айбисиз бўш туриб қолишлар, қисқартирилган иш режими ва ҳ. к) корхоналар ходимлари учун мазкур келишувда кўзда тутилган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни сақлаш.

**2.1.2.13.** Штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатирилган ходимларга корхонада очиладиган вакант лавозимларни эгаллаш бўйича Меҳнат кодексининг 103-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда имтиёзли ҳуқуқ берилади.

**2.1.2.14.** Олий, ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари сафида муддатли харбий хизматдан қайтган шахслар

ва ижтимоий ҳимояга мухтож аҳоли катламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш.

**2.1.2.15.** Энергетика касби бўйича мутахассислар тайёрлашни, касб-ҳунар муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёш мутахассисларни ўз иш ўринларида кўнимлилиги учун иш берувчилар масъулиятини ошириш.

**2.1.2.16.** Тармоқ тизимидаги корхоналарда ходимнинг ишдаги ютуқлари ва мувофакиятлари учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

- давлат мукофотлари билан тақдирланишга номзодини тавсия этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;
- акциядорлик жамияти фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;
- ташкилотлар фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш;
- пул маблағи билан рағбатлантириш;
- қимматбаҳо совға билан тақдирлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг санатория ва дам олиш уйларига, тармоқ санаторий-профилакторийларига имтиёзли йўлланмалар тақдим этиш.

**2.1.2.17.** “Карантин даврида инфекция билан зарарланиб карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, хомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади”.

**2.1.2.18.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қуйидаги Конвенцияларига оғишмай рияз этилишини таъминлаш:

- «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги» 1930 йилги Конвенция (29 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.
- “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги” 1930 йилги Конвенцияга (2014 йилги Баённома). 2019 йил 25 июнда ратификация қилинган.
- «Ҳафта давомидаги иш вақтини қирқ соатгача қискартириш тўғрисидаги» 1935 йилги Конвенция (47 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.
- «Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида»ги 1936 йилги Конвенция (52 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.
- Меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги 1947 йилги Конвенция (81-сонли Конвенция). 2019 йил 27 августда ратификация қилинган.
- «Бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида»ги Конвенция (87 – Конвенция); 2016 йил октябр ойида ратификация қилинган.

- «Касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳукуки принципларининг қўлланиши тўғрисида»ги 1949 йилги Конвенция(98 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида»ги 1951 йилги Конвенция (100 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1952 йилда қайта қўриб чиқилган) Конвенция (103 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

- «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 1957 йилги Конвенция(105 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида»ги 1958 йилги (111 – Конвенция)\*. 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида»ги 1964 йилги Конвенция (122 – Конвенция). 1995 йил 6 майда ратификация қилинган.

- «Корхонада меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 1971 йилги Конвенция(135 – Конвенция). 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

- «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги 1973 йилги Конвенция (138 – Конвенция). 2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган.

- «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»ги 1981 йилги Конвенция (154 – Конвенция). 2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган.

- «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги 1999 йилги Конвенция (182 – Конвенция). 2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган.

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Халқаро меҳнат нормалари қўлланишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 1976 йилги Конвенция (144-сонли Конвенция). 2019 йил 4 мартда ратификация қилинган.

- “Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 1969 йилги Конвенция (129-сонли Конвенция). 2019 йил 27 августда ратификация қилинган.

- Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 2006 йилги (187-сонли Конвенция) 2021 йил 4 июнда ратификация қилинган.

- Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 1988 йилги (167-сонли Конвенция) 2022 йил 7 февралда ратификация қилинган.

- Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённома (Женева, 2014 йил 11 июнь) Қонунчилик палатаси томонидан 13.06.2019 й қабул қилинган, Сенат томонидан 21.06.2019 й мақуллашган.

**2.1.2.19.** Жамоа шартномаларида ёш мутахассислар малакасини ошириш ва шогирд-кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича юқори малака ва тажрибага эга бўлган

нафақадаги мутахассислар ўрнатилган тартибда жалб этилиши кўзда тутилиши мумкин.

**2.1.2.20.** Ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот тақдим этиш.

### **2.1.3. Иш вақти ва дам олиш вақти**

**2.1.3.1.** Бир ҳафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш вақти, иш вақтини жамлаб ҳисоблаш амалга оширилган ҳолда смена графигига мувофиқ аниқланади ва ҳисобга олинандиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

**2.1.3.2.** Жамият ходимлари учун иш вақти ва дам олиш вақтларининг режими Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ ички меҳнат тартиб-қоидалари билан белгиланади.

**2.1.3.3.** Қўйидагилар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланади:

- 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун (тасдиқланган рўйхат бўйича);
- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар учун – 35 соат.

Ҳар бир корхонадаги меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра тегишли жамоа шартномалари орқали белгиланади (Меҳнат кодексининг 116,117- моддалари).

**2.1.3.4.** Ходимни унинг ва касаба уюшма кўмитасининг розилиги билангина ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилиш мумкин. Бунда иш сменаси 12 соатдан ортиқ бўлмаган ишчиларни, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вақтда ишга жалб қилиш тақиқланади (Меҳнат кодексининг 124-моддаси).

**2.1.3.5.** Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли

ишларда – бир кунда икки соатдан) ва йилига 120 (бир юз йигирма) соатдан ортиқ бўлмаслиги таъминланади.

**2.1.3.6.** Иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган иш режимида банд бўлган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли бўйича ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори, ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича кейинчалик тўғриланиш шарти билан, тенглаштирилиши кафолатланади.

Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг нормал миқдоридан ортиқ ишланган вақт учун ходимнинг хоҳишига кўра унга иш вақтидан ташқари вақтда бажарилган ишлар учун тўланадиган миқдорларда ҳақ тўланади ёки дам олиш куни берилади.

**2.1.3.7.** Ходим билан иш берувчи келишувига биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи Меҳнат кодексига асосан (229-модда), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Хомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди (16 ёшга - тўлмаган ногирон фарзанди) бор аёлнинг шу жумладан ҳомийлигида шундай фарзанди бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган ходимнинг илтимосига кўра, тиббий ҳулосасига мувофиқ уларга – **МКнинг 229-моддасига асосан** тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланади.

**2.1.3.8.** Тезкор хизмат ходимларига сменани қабул қилиб олишлари учун иш вақти бошланишидан олдин 20 дақиқалик ҳақ тўланадиган вақт белгиланади.

**2.1.3.9.** Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари учун асосий 15 иш куни ва тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда қўшимча 6 иш куни – жами 21 иш кундан иборат, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун асосий 15 иш кундан иборат (Жамият тиббиёт ходимларидан ташқари) таътиллار белгиланади.

**2.1.3.10.** Меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 сентябрь 263-сонли “Ходимлар меҳнатини муҳофазаси қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра 3 кундан 18 кунгача қўшимча таътиллار бериш.

**2.1.3.11.** Қўйидаги ҳолларда ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча ишламайдиган кун берилади:

- ходимларнинг никоҳ тўйларида - 3 кун
- фарзанд туғилганда (отасига) - 2 кун
- фарзандларининг никоҳ тўйларида - 3 кун
- яқин қариндошларининг ( ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари, қайнота-қайнонаси) дафн маросимларида - 3 кун

**2.1.3.12.** Қўйидагиларга ўттиз календар кундан иборат бўлган йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига.

**2.1.3.13.** Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланувчи қўшимча таътил берилади.

**2.1.3.14.** Кўп сменали иш режими учун 4 иш кунигача ҳақ тўланадиган қўшимча таътил белгиланади (бунда 2 сменада ишловчиларга ишлаган ҳар икки йил учун бир кундан, лекин 2 кундан ортиқ бўлмаган қўшимча таътил берилади).

**2.1.3.15.** Биринчи раҳбарларга ҳақ тўланадиган 3 кун қўшимча таътил берилади.

**2.1.3.16.** Умумий иш стажига қараб, ҳақ тўланадиган ва жамоа шартномалари орқали аниқланадиган миқдорларда қўйидагича қўшимча таътиллار берилади (иш кунлари ҳисобида):

1 йилдан	3 йилгача	- 1 кун
3 йилдан	5 йилгача	- 2 кун
5 йилдан	10 йилгача	- 3 кун
10 йилдан	15 йилгача	- 4 кун
15 йилдан	20 йилгача	- 5 кун
20 йилдан ортиқ		- 6 кун

**2.1.3.17.** Меҳнат шартномасини бекор қилишда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларини бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади (МК 152 моддаси).

**2.1.3.18.** Қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган йиллик меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (қўшимча таътиллар билан биргаликда) 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

**2.1.3.19.** Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қўйидагилар киради:

- иш йили давомида ҳақиқатдан ишлаган вақти;
- ходим ҳақиқатдан ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи сақланган вақт, болани парваришlash учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллار бундан мустасно;

- меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида пайдо бўлган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

- иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақти.

**2.1.3.20.** Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан қасаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ Меҳнат кодексининг 143 ва 144-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда белгиланади.

**2.1.3.21.** Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил даврини йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшилади (Меҳнат кодексининг 142-моддаси).

**2.1.3.22.** Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак (МК 150-моддаси).

**2.1.3.23.** Таътил бошланмасдан олдин охириги иш кунини таътил учун ҳақ тўланишини таъминланади (Меҳнат кодексининг 148-моддаси).

**2.1.3.24.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

- б) бетоб оила аъзосини парваришлайётган ходимларга.

**2.1.3.25.** Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлардан ташқари (I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялайётган аёллар) қуйидаги ходимларга ҳам уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

- а) бетоб оила аъзосини парваришлайётган ходимларга;

**2.1.3.26.** Янги йил; 8 март - Хотин-қизлар куни, 21 март - Наврӯз байрами, 9 май - Хотира ва кадрлаш куни, 1 сентябрь - Мустақиллик куни, 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни, 8 декабрь - Конституция куни, Рўза хайит (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон хайит (Ийд ал-Адха) диний байрамлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги тегишли Фармониға мувофиқ ходимларға қўшимча ишланмайдиган дам олиш кунларини белгилаш. Бунда, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда байрамлар муносабати билан қўшимча белгиланган ишланмайдиган кунлар ҳам инобатға олинган ҳолда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобға олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги тегишли Фармониға мувофиқ ходимларға Меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги расмий байрамлар муносабати билан қўшимча белгиланган дам олиш кунлари ҳам инобатға олинган ҳолда сақланади.

**2.1.3.27.** Корхонада Республика миқёсида табиий офатлар, форс-мажор (эпидемия, сув тошқини, кўчки, zilзила, сел, довул, тўфон, қуюн), техноген тусдаги фавкулудда вазиятлар: ёнгин, технологик жараёндаги авариялар, кимёвий авариялар бошқалар) ҳолатлар содир бўлган даврда ходимлар иш фаолиятини тегишли буйруқлар асосида масофавий иш усулида, мослашувчан иш графиги асосида ёки уйда ишлаш тизимиға ўтказиш жорий этилади.

**2.1.3.28.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар ва ўн саккиз ёшға тўлмаган шахслар, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 14-боби талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.3.29.** Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувға биноан ишға қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Тўлиқсиз иш вақти ўрнатиш учун асослар рўйхати жамоа шартномаларида белгиланади.

**2.1.3.30.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар Рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллار қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобюдежт ташкилотларнинг жамоа келишувлари ва шартномаларида назарда тутиш тавсия этилади.

**2.1.3.31.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг

тармоқ коэффицентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдори тўғрисида Низом” талаблари тадбиқ қилинишини;

Кўчма ва катнаш тусдаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/КҚ ва 1/103-сон қарор билан тасдиқланган “Автомобил транспорти ҳайдовчилари меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талаблари тадбиқ қилинади.

**2.1.3.32.** Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми жамоа шартномаларида белгиланади.

## **2.1.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш**

**2.1.4.1.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9 боби талабларига риоя қилиниши таъминланади.

**2.1.4.2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан (МХЭКМ) келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (ЯТС) разрядларига мувофиқ ўз вақтида қайта кўриб чиқилишини таъминлаш.

**2.1.4.3.** Тармоқда меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалда бўлган ягона тариф сеткаси «1» разряди бўйича ойлик тариф ставкасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723 сонли Фармонига мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан (келгуси ўринларда МХЭКМ) кам бўлмаслигини таъминлаш. (МКнинг 155-моддаси).

**2.1.4.4.** Жамият тизимидаги барча корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли ва тизими, турли устамалар, мукофотлар, қўшимча ва компенсация тўловларининг аниқ миқдорлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган, касаба уюшмаси кўмиталари билан келишилган ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва жамоа шартномаларида мустаҳкамлаб қўйилади. Меҳнат муносабатларига оид Жамият миқёсидаги раҳбарий ҳужжатлар касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ходимларнинг лавозим окладлари ва тариф ставкалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича Жамият миқёсида қабул қилинган ягона тариф сеткаларига (ЯТС) мувофиқ белгиланади.

**2.1.4.5.** Мехнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, шакли ва шартларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг ходимлар аҳволини ноқудай томонга ўзгартирадиган янги тизими ва шаклини киритиш камида икки ой олдин ходимларнинг албатта розилигини олиш шарти билан ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси билан расман келишилган ҳолда амалга оширилади.

**2.1.4.6.** Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлар учун ўртача иш ҳақининг сакланиши таъминланади.

**2.1.4.7.** Мехнат кодексининг 161-моддаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик борасида ўз вақтида чоралар кўрилади.

**2.1.4.8.** Бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шуғулланаётган ходимларга қуйидаги миқдорларда қўшимча тўловлар тўлаш ҳуқуқини бериш:

“Халқ” ва “Хизмат кўрсатган арбоб” фахрий унвонлари эгалари учун Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда БҲМ) 3 баравари, “Хизмат кўрсатган” фахрий унвони сохиблари учун БҲМнинг 1,6 баравари миқдорида (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007йил 17 декабрдаги ПФ-3942 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПФ-5894- сонли Фармони*).

**2.1.4.9.** Жамиятда кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатга олган ҳолда “Хизмат қилган йиллари учун рағбатлантириш” Низомига мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

**2.1.4.10.** Ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида жорий йил якунида олинган соф фойда ҳисобидан “Йил якуни бўйича рағбатлантириш” Низомига мувофиқ тўловлар корхонанинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

**2.1.4.11.** Дам олиш ва байрам кунларидаги, ишдан ташқари вақтдаги ишлар учун икки баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баравар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилиши таъминланади.

**2.1.4.12.** Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан то 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади (Мехнат кодексининг 158-моддаси).

**2.1.4.13.** Мехнат кодексининг 171, 172 ва 173-моддаларида кўзда тутилган ҳаражатлар ходим томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда жамоа шартномаларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминланади.

**2.1.4.14.** Ходимларга иш ҳақи ҳар ярим ойда бир марта жамоа шартномасида белгиланган кунда тўланади.

**2.1.4.15.** Ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун Жамият микёсида амалда бўлган ЯТСнинг «1» разряди миқдорини

Республикада белгиланган ягона тариф сеткасининг «1» разряди миқдоридан кам бўлмаслиги таъминланади.

**2.1.4.16.** Молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда номинал иш ҳақи миқдорини ошириш масалаларини кўриб чиқиш ва Жамият миқёсида ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини (барча тўловлар ва устамаларни инобатга олган ҳолда) Республикада белгиланган МХЭКМнинг 5 баробаридан кам бўлмаган миқдоргача етказилади.

**2.1.4.17** «Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома»га (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июлда 83 ва7/12-сон билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2003 йил 29августда 1268-рақам билан рўйхатга олинган*) ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига мувофиқ куйидаги тўловларни ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикаси худуди бўйича хизмат сафарлари учун куйидаги компенсация тўловларини тўлаш:

а) йўл кира харажатлари норматив асосида (*ўзгартириш киритилган 1268-1, 13.09.2019й.*);

б) доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан меҳмонхона (уй-жой ижараси) билан боғлиқ харажатлар (*ўзгартириш киритилган 1268-1, 13.09.2019й.*);

в) Республикада белгиланган МХЭКМнинг 10% миқдорида суткалик харажатлар;

г) иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан ходим томонидан қилинган бошқа харажатлар.

Суткалик харажатлар корхоналарнинг молиявий имкониятидан келиб чиқиб белгиланган меъёрлардан 20%гача юқорироқ миқдорда ўрнатилиши мумкин.

**2.1.4.18.** Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсация тўловлари “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва тошкilotлар ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун маблағ бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2015 йил 19 ноябрдаги 2730-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92 –сонли буйруғи билан тасдиқланган*) амалга оширилади.

**2.1.4.19.** Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш вақтида унинг ўртача иш ҳақи сакланади (Меҳнат кодексининг 165,166,167-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997й. 133-сонли қарорини 5-иловаси).

**2.1.4.20.** Жамият миқдосида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ходимларини рағбатлантириш тўғрисида Низом” ишлаб чиқилади ва Низомга мувофиқ тўловларни амалга оширилади.

**2.1.4.21.** Корхона раҳбарияти айби билан иш ҳақи тўловлари кечиктирилганда раҳбарларга нисбатан мукофотдан маҳрум этиш ва ўртача ойлик иш ҳақининг 30% дан 50% гача жарима солиш чоралари қўлланилади.

**2.1.4.22.** Автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23.01.2019 й. 3130-рақам билан рўйхатга олинган «Автомобиль транспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш.

**2.1.4.23.** Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

**2.1.4.24.** Илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттириш.

**2.1.4.25.** Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни иш берувчи билан касаба уюшмасининг қўшма қарори орқали амалга ошириш.

**2.1.4.26.** Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

**2.1.4.27.** Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркеклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 1951 йилги 100-Конвенцияси ратификация қилинган. Ушбу конвенция қоидаларига мувофиқ “Ҳақ тўлаш” атамаси иш берувчи томонидан меҳнаткашга унинг бирор-бир ишни бажарганлиги эвазига бевосита ёки бирлвосита пул ёки маҳсулот тарзида тўланадиган оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги маош ҳамда бошқа ҳар қандай қўшимча тўловлардан иборат.

Жинсидан қатъий назар бажариладиган ишни ҳолис баҳолашдан келиб чиқадиган фарқга мос бўлган иш ҳақи ставкаларидаги фарқга тенг аҳамиятли меҳнат учун эркеклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш принципига зид келувчи фарқ сифатида қаралмайди.

Шу билан бир қаторда, эркек ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг миқдорда рағбатлантирилади (касблар рўйхати жамоа шартномаларида белгиланади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий қафолатларни таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенцияга оғишмай риоя этадилар.

**Тенг аҳамиятли меҳнатга тенг ҳақ тўланишини таъминлаш учун асосан аёллар ва эркаклар банд бўлган касб ва лавозимлар рўйхати**

Т/р.	Ишчилар касблари ва хизматчилар лавозимлари номланиши	
	Асосан эркаклар банд бўлган касб ва лавозимлар (1-гурух)	Асосан аёллар банд бўлган касб ва лавозимлар (2-гурух)
1.	Боғбон	Фаррош
2.	Қоравул	Вахтёр
3.	Алоқа устаси	Коммутатор
4.	Катта инспектор	Девонхона ходими
5.	Сантехник	Референт
6.	Тиш ясовчи техник	Хамшира
7.	Электрик	Офис менежер

### 2.1.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш

#### 2.1.5.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини, меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда меъёрларининг бажарилишини таъминлаш. Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини мамлакат ва хориждаги энг илғор тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилиш, ҳужжатларни давлат стандарти ГОСТ 12.0.230-2007 талабларига мувофиқ расмийлаштириш;

б) ишлаб чиқариш фаолиятини қонун ҳужжатлари, саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазасига оид компания томонидан қабул қилинган талаблар, амалий ва режалаштирилган фаолиятда, ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматларда юқори даражадаги саноат хатарларини инобатга олган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш;

в) авария ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалий ва барча мавжуд чоратадбирларни бажариш, улар содир бўлган ҳолатда эса – ходимлар саломатлиги, атроф-муҳит ва мол-мулкка таъсир оқибатларини локаллаштириш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

г) жамият ходимлари, корхоналар ва акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш объектларида иш олиб боровчи пудратчилардан тармоқ микёсида қабул қилинган саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатларга риоя қилишларини талаб қилиш;

д) жамиятнинг барча ходимларини саноат хатарларини аниқлаш ва бошқаришда фаол иштирок этишга жалб қилиш. Бу борада ҳолдинг ва акциядорлик компаниялари ижроия аппарати ва ишлаб чиқариш объектлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш чораларини амалга ошириш;

е) зарурат туғилганда жамиятнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқиш, тузатишлар киритиш ва такомиллаштириш;

ж) жамиятнинг саноат хавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатидаги барча ўзгаришларни барча ходимларга, меҳнат жамоасига, ҳокимиятнинг ижро органларига, назорат органларига, шериклар ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш;

з) меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, хавфсизлик техникасига оид фаолият бўйича акционерлар ва меҳнат жамоаси олдида вақти-вақти билан йилда камида икки марта ҳисоботлар бериб бориш;

и) жамиятнинг барча ходимларидан хавфсизлик техникаси, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, саноат хавфсизлиги бўйича ишларни амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширишни талаб қилиш таъминланади.

**2.1.5.2.** Жамиятнинг “Ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, касбий хавфсизлик даражасини ошириш бўйича жамият дастури” ни ишлаб чиқиш ва унда белгиланган тадбирларини тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилиши таъминланади.

**2.1.5.3.** Қуйидагиларнинг амалга оширилиши таъминланади:

а) “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар учун саноат хавфсизлигининг умумий талаблари”га сўзсиз риоя қилиниши;

б) тасарруфдаги корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва саноат хавфсизлиги талабларини белгиловчи меъёрий-техник ҳужжатлар, тегишли услубий ва ташкилий ҳужжатларнинг мавжудлигини;

в) иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича шартномалар тузилиши (Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори);

г) хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги бўйича ходимларни тегишли меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибда тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш, авария вазиятларни бартараф қилиш режа тадбирларини

бажаришда цехлар, участкалар ва бригадаларнинг хизмат килувчи ходимлари, фуқаролик муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва газдан қутқариш хизматларининг ўзаро аниқ ҳаракатланишлари бўйича мунтазам равишда ўқув-машқ машғулотларининг ўтказилиши.

д) жамиятдаги ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган ва жамоа шартномалари орқали белгиланадиган маблағларнинг ажратилиши (ишлаб чиқаришга сарфланадиган умумий харажатларнинг камида 0,2% миқдориди);

е) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қоладиган корхона фойдаси ҳисобидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан меҳнат муҳофазаси жамғармасини яратиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори);

ж) мақоми бўйича корxonанинг асосий хизмат бўлинмаларига тенглаштирилган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назорати хизматларининг (мутахассисларининг) фаолиятини қасаба уюшма қўмитаси билан келишилган низомларга мувофиқ ташкил қилиниши;

з) тасарруфдаги корxonаларда ва унинг таркибий тузилмасида уч босқичли меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назорати олиб бориш;

и) меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

к) жамият корxonалари таркибий бўлинмаларининг барча тоифадаги ходимлари, пудратчилар вакиллари ва иш майдонларига ташриф буюрувчилар учун шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим ва махсус пойафзалларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган корпоратив стандартларни жорий этиш.

**2.1.5.4.** Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларда касб касалликларига чалинганда ёки ходимнинг соғлигига бошқача шикаст етказилганда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда зарарларни қоплаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари»да белгиланган миқдорларда ва тартибда тўланади.

**2.1.5.5.** Хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигига бошқача зарар етиши сабабли ходим вафот этганда унинг оиласига олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла нафақа тўланади.

**2.1.5.6.** Жамият ходимларини меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган кўйидаги кафолатлар билан таъминлаш:

- касблар ва лавозимлар рўйхатига мувофиқ, шунингдек хизмат вазифалари юзасидан доимий равишда объектларга чикувчи холдинг компания, акциядорлик компаниялари ва жамиятлари, корхоналар ижро аппаратининг масъул ходимларига махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий химоя воситаларини бепул бериш;

- санитария-маиший хоналарни талаб даражасида саклаш;

- оғир ва зарарли меҳнат шароитларини аниқлаш мақсадида иш ўринларини камида 5 йилда бир марта, зарурийат юзага келган ҳолларда муддатидан олдин аттестациядан ўтказиш;

- иш юзасидан ювиниш тақозо этиладиган ишларда – белгиланган нормаларда бепул совун бериш;

- “Сут истеъмол қилиш тавсия қилинадиган ишлар рўйхати”га асосан бепул сут ёки унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериш.

**2.1.5.7.** Корхоналарга янги ишга қабул қилинган лицей, коллежларни ва олий билим юрталарни битирган ёш мутахассисларга меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ёнгин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидалари бўйича кириш йўл-йўриқларини бериш.

**2.1.5.8.** Корхоналарга билим юрталарини битирган ёш мутахассисларни дастлабки тиббий кўриқдан ўтказиш, уларни махсус кийим, махсус пойабзал ва шахсий химоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш.

**2.1.5.9.** Касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда кўйидагиларни амалга ошириш:

- жойларда юз берган бахтсиз ҳодиса ва аварияларни амалдаги Низомга мувофиқ текширилишида вакилларнинг иштирок этишини таъминлаш;

- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитилишини ҳамда уларнинг шу масалалар бўйича йўриқномалар, қоидалар ва нормаларга оид билимлари текширилишини ташкил қилиш;

- меҳнат муҳофазасига оид меъёрий-техник ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 7 январдаги 870-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги Низом” асосида қайта кўриб чиқилишини ташкил қилиш, корхоналарни мазкур ҳужжатлар билан таъминлаш ва жойларда уларга риоя қилинишини назорат қилиб бориш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича корхоналардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни кенг жорий қилиш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўриқ-танлови”ни ўтказиб бориш ва ҳар йил якуни бўйича унинг якунларини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати томонидан 2017 йил 4 апрелда тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар”дан келиб чиққан ҳолда ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича битим тузилиши ва унинг молиялаштирилишини таъминлаш чораларини кўриш;

- Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ягона бошқарув тизими (ЕСУОТ)ни тармоқ касаба уюшма Республика Кенгаши билан келишган ҳолда ишлаб чиқиш ва зарурият бўлганда тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориш.

**2.1.5.10.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214–моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш (“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун 17-модда).

**2.1.5.11.** Регресс даъволари бўйича зарарларни қоплаш тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва амалга ошириш.

**2.1.5.12.** Ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида кузги-кишки мавсумга тайёрлаш чораларини кўриш.

**2.1.5.13.** Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар фаолиятига кўмаклашиш, фаол вакилларни рағбатлантириш.

**2.1.5.14.** Касаба уюшма ташкилотининг сайланма органига меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимнинг бажарилиши тўғрисида ахборотлар бериш.

**2.1.5.15.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларини амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

**2.1.5.16.** Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси талабларига асосан, ходимларнинг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этади.

**2.1.5.17.** Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш хақи сақланади. (Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси).

## 2.1.6. Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар.

**2.1.6.1.** Корхона ходимларини соғломлаштириш мақсадида, ходимга меҳнат таътилига чиқишида **бир лавозим маоши миқдорида** меҳнат таътилига қўшимча ҳақ тўлаш. (1 йилда 1 мартаба).

**2.1.6.2.** Ходимларга куйидаги жадвалга асосан моддий ёрдам кўрсатиш мумкин (керакли ҳужжатлар тақдим этилганда, раҳбарият ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарорига асосан):

- даволаниш зарурияти юзага келганда;
- моддий аҳволи оғирлашганда;
- яқин қариндошларининг дафн маросимида (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари).

Иш стажи (энерготизимда)	Лавозим маошидан % ҳисобида
1 йилдан 3 йилгача	20
3 йилдан 7 йилгача	30
7 йилдан 10 йилгача	40
10 йилдан 15 йилгача	50
15 йилдан 20 йилгача	70
20 йилдан юқори	100

Ходимнинг моддий аҳволи оғирлиги даражасига кўра ажратиладиган моддий ёрдам миқдори раҳбарият ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарорига асосан оширилиши мумкин.

**2.1.6.3.** Ходимларнинг ўзининг ҳамда ходимларнинг контракт асосида ўқиётган фарзандларининг контракт тўловларини иш ҳақидан қайтариш асосида тўланади (ходимнинг аризаси ва тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда).

**2.1.6.4.** Жамиятнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ходимларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлари учун қайтариш асосида уларнинг аризаларига мувофиқ фоизсиз ссуда берилади (ходимнинг аризаси ва тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда).

**2.1.6.5.** Табиий офатлардан зарар кўрган ходимларга зарар миқдорини инобатга олган ҳолда раҳбарият ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарорига асосан мавжуд маблағлар доирасида бир йўла моддий ёрдам кўрсатилади.

**2.1.6.6.** “Хотира ва кадрлаш куни” муносабати билан жамият таркибидаги корхоналарда ишлаётган уруш фахрийларига ва уларга тенглаштирилган байналминалчи жангчиларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,0 баробарига тенг миқдорда бир йўла моддий ёрдам берилади.

**2.1.6.7.** Бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,5 баробарига тенг миқдорда бир йўла моддий ёрдам берилади.

**2.1.6.8.** Ходим вафот этганида унинг оиласига Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 баробарига тенг миқдорда бир йўла моддий ёрдам берилади.

**2.1.6.9.** Икки ва ундан ортиқ мактаб ёшидаги фарзанди бўлган ёлғиз боқувчи онага, янги ўқув йили арафасида харид қилинадиган дарсликлар ва ўқув куроллари кийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,70 баробарига тенг миқдорда бир йўла моддий ёрдам берилади.

**2.1.6.10. Рўйхатдаги** хар бир ходим учун қишги мавсумга харид қиладиган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари кийматини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,40 баробарига тенг миқдорда бир йўла моддий ёрдам берилади.

**2.1.6.11.** Ходимларнинг овқатланиш харажатларини хар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари миқдорида қопланади.

**2.1.6.12.** Мураккаб жарроҳлик операцияларига ва стационар даволанишга мухтож ходимлар учун (Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги) тиббий хизмат харажатларини 50% дан кам бўлмаган миқдорларда тўлиқ ёки қисман тўланади(тегишли хужжатлар тақдим этилганда).

**2.1.6.13.** Ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) вафот этганда дафн маросимлари учун корхона ҳисобидан транспорт хизмати кўрсатилади.

**2.1.6.14.** Ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги (ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда) муносабати билан меҳнат шартномаси биринчи марта бекор қилинаётганда ва энерготизимда ишлаётган узлуксиз иш стажидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги миқдорларда бир йўла муқофот тўлаш:

- 5 йилдан 10 йилгача - лавозим маошининг 1 баробари миқдорида;
- 10 йилдан 20 йилгача - лавозим маошининг 2 баробари миқдорида;
- 20 йилдан ортиқ - лавозим маошининг 3 баробари миқдорида;

**2.1.6.15.** Юбилей (50, 60 ва 70 ёш) ёшига етган, 5 йил узлуксиз энерготизимда иш стажга эга бўлган ишлаётган ходимларни 1 лавозим маоши миқдорида рағбатлантириш.

**2.1.6.16.** Тармоқ тизимидаги ижтимоий ва соғлиқни сақлаш муассасалари учун (санатория-профилакториялар, пансионатлар, дам олиш зоналари, тиббий муассасалар ва х.к.) ўз вақтида белгиланган миқдорларда маблағлар ажратилиши ва ўзлаштирилиши таъминланади.

**2.1.6.17.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторияларда, санаторий-профилакторийларда, дам олиш масканларида ҳамда болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш учун корхоналар молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маблағ ажратилади. Маблагларни ажратиш тартиби ва миқдори жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.6.18.** Жамият таркибидаги корхоналар ходимларининг фарзандларини энергетика ва тармоқ тизимига керакли бошқа мутахассисликлар бўйича контракт асосида республика олий ўқув юртларига ўқишга жўнатилади.

**2.1.6.19.** Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича қуйидаги миқдорларда нафақа тўланади:

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўқувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив зарарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, аденома, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядровий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касбий касаллик оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга – тўлиқ иш ҳақи миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 80 фоиздан 100 фоизгача;

- бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 60 фоиздан 80 фоизгача.

**2.1.6.20.** Байрам кунлари муносабати билан бир йўла мукофотлаш:

- |   |                                    |
|---|------------------------------------|
| - Наврўз байрами                                    | - Бир лавозим маошигача миқдорида; |
| - Мустақиллик байрами                               | - Бир лавозим маошигача миқдорида; |
| - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун байрами | - Бир лавозим маошигача миқдорида; |
| - Рамазон Хайит байрами                             | - Бир лавозим маошигача миқдорида; |
| - Қурбон Хайит байрами                              | - Бир лавозим маошигача миқдорида; |

**2.1.6.21.** Жамиятнинг рўйхатдаги аёлларини “8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами” муносабати билан Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,70 баробарига тенг миқдорда бир йўла рағбатлантирилади.

**2.1.6.22.** Жамият ходимларининг 12 ёшгача бўлган фарзандларига янги йил совгалари ҳарид қилиш.

**2.1.6.23.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Фармонининг 12-бандига асосан технология ишлаб чиқариш ва иш шароитидан келиб чиққан ҳолда иш куни давомида ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариши учун иш вақтига махсус танаффуслар киритилади.

**2.1.6.24.** Жамоа шартномаларига иш берувчилар томонидан ходимлар учун ички туризмни ривожлантиришга маҳаллий саёҳатга чиқиш имконини яратиш киритилади.

### **2.1.7. Ижтимоий шериклик. Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши.**

**2.1.7.1.** Жамият касаба уюшма Республика Кенгашини ҳамда Бирлашган касаба уюшма кўмитасини жамият ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олади.

**2.1.7.2.** Жамият таркибидаги бирлашган касаба уюшма кўмитаси ва бошланғич касаба уюшма кўмиталарини ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун уларни зарур бўлган жиҳозланган хоналар, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланади.

**2.1.7.3.** Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма органлари аъзоларига жамоат ишларини бажариш учун ўртача иш ҳақларини сақлаган ҳолда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги таъминланади (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 18 моддаси*).

**2.1.7.4.** Касаба уюшма органлари штатидаги ходимларига (асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма кўмитаси раиси ва кўмита ходимлари) моддий рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириш, кўп йиллик ишлагани учун тўловлар (тизимда ишлаган иш стажи учун) ҳамда бошқа қўшимча тўловларни корхона маблағлари ҳисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорларда тўланади.

**2.1.7.5.** Касаба уюшма сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) ёки шунга тенг келадиган бошқа иш (лавозим) берилади.

Шу мақсадда, ходим корхона меҳнат жамоаси вакиллик органининг асосий ишдан озод этилган сайланма лавозимига (касаба уюшма кўмитаси раислигига) сайланган тақдирда унинг олдинги лавозимига бошқа шахсларни ишга қабул қилишда улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади (сайланма органининг ваколат муддати даврига).

**2.1.7.6.** Қуйидаги мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар касаба уюшма кўмиталари ҳисобига ҳар ойда корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 1% миқдорида маблағлар ўтказилишини таъминланади (*Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддаси*).

- маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун;

- Жамият ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, *рағбатлантириш* ва моддий ёрдам кўрсатиш учун;

- Жамият ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари), меҳнат фахрийлари, пенсионерларни соғлигини тиклашга санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш учун;

- Республика ҳудудидаги тарихий қадамжойларга саёҳатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истирохат боғларига таклифномалар харид қилиш учун;

- касаба уюшмаларининг маъмурий – хўжалик харажатлари учун.

**Касаба уюшмаси кўмитасининг** штатдаги ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун **Касаба уюшмаси кўмитаси** ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

(Бунда ўтказиладиган маблағларнинг юқоридаги мақсадлар учун тақсимланиш миқдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади).

**2.1.7.7.** Касаба уюшма кўмиталари раислари ва ходимларининг иш ҳақлари учун касаба уюшма бюджетидан сарфланадиган маблағлар етишмаганда уларнинг иш ҳақлари учун тўланадиган маблағларнинг етишмаётган қисмини Жамият ҳисобидан қопланади.

**2.1.7.8.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ва уларга бериладиган ҳуқуқлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

**2.1.7.9.** Касаба уюшма органларига сайланган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилишига (корхона тугатилиши ёки ходим томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишдан бўшатилишига асос бўлувчи хатти-харакатлар бундан мустасно) маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмасдан туриб йўл қўймаслик. (Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни, 17-модда).

**2.1.7.10.** Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этилади.

**2.1.7.11.** Санаторий-профилакториялар, тиббий муассасалар, болалар оромгоҳлари, пансионатлар, дам олиш уйлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини сотиш, фаолиятларини ўзгартириш ёки бошқаларга бериш масалаларини касаба уюшма ташкилоти сайланма органининг фикрини инобатга олган ҳолда ҳал қилиш тавсия этилади.

**2.1.7.12.** Ходимларнинг розилиги билан корхона бухгалтерияси орқали ихтиёрий касаба уюшма аъзолик бадалларини нақд пулсиз йиғиш системаси ташкил қилинишини ҳамда йиғилган аъзолик бадалларини касаба уюшма қўмитасининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилиши таъминланади.

**2.1.7.13.** Корхона ҳисоб рақамида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 15 мартда 2342-рақам билан рўйхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб варақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”га мувофиқ касаба уюшма аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**2.1.7.14.** Касаба уюшма қўмитаси раисини акциядорлик жамияти ва унинг тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларига оид қарорлар қабул қиладиган коллегиял органлар таркибига киритилади.

**2.1.7.15.** Акциядорлик жамияти ва унинг тизимидаги корхоналарнинг “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарига обуна бўлишда касаба уюшмасига кўмаклашиш.

**2.1.7.16.** Акциядорлик жамият ва унинг тизимидаги корхоналар иш берувчилари асосий ишидан озод этилмаган ҳолда корхона касба уюшма қўмитаси раиси лавозимига, қўмита аъзолигига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ бўлган қисқа муддатли (бир ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш) корхона ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

**2.1.7.17.** Иш берувчи вакиллари томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига мувофиқ ташкилотларда ходимлар вакиллариининг эркин фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратлади.

**2.1.7.18.** Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида Жамият билан тизимли ҳамкорлигини таъминлайди.

**2.1.7.19.** Жамият таркибида янги корхона ва ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилганда уларда ҳам касаба уюшмаси ташкилотини тузишга кўмаклашади.

**2.1.7.20.** Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасига асосан ходимларнинг ҳуқуқларига дахлдор қарорлар қабул қилишда касаба уюшмаси билан маслаҳатлашиш, лозим бўлганда унинг розилигини олиш, касаба уюшмалари таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма жавоб бериш, касаба уюшмалари вакилларини иш жойларига монеликсиз қўйиш, зарур ахборотларни бепул беришмажбуриятини, 24-моддасига биноан касаба уюшма кўмитасининг аризасига асосан иш берувчининг ҳисобварағида махсус ҳисобварақ очиш ва СТИРдан фойдаланиш гузукини беришмажбурияти, шунингдек 35-моддага биноан касаба уюшмалари томонидан қиритилган кўрсатмаларни, шунингдек қондабузилишга йўл қўйган раҳбарларга интизомий жазо қўлланилишини таъминлаш ҳамда касаба уюшмасининг сайланма органига иш берувчи ёки унинг вакили сайланмаслиги.

## **2.2. Касаба уюшма Республика Кенгашининг мажбуриятлари.**

**2.2.1.** Ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга меҳнат жамоаларини сафарбар қилишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб борилади ва уларга кўмаклашилади.

**2.2.2.** Жамият тасарруфидаги касаба уюшмалари фаолиятида жамият ходимлари ва фарзандлари учун санаториялар, болалар оромгоҳларига ягона ижтимоий тўлов маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган йўлланмаларни белгиланган тартибда ажратилишини назорат қилинади.

**2.2.3.** Санатория-курорт муассасалари ва дам олиш масканларига ижтимоий суғурта бюджети тўлов ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан бериладиган йўлланмаларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати томонидан тасдиқланган йўриқномага риоя қилинган ҳолда тақсимланишини таъминлайди.

**2.2.4.** Корхона ва ташкилотлар касаба уюшма кўмиталарига касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона (рационал) фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

**2.2.5.** Касаба уюшма бюджетининг корхоналар касаба уюшма кўмиталари томонидан белгиланган мақсадлар бўйича бажарилишини таъминлайди ва назорат қилади.

**2.2.6.** Иш ҳақи, меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча тўловлар ва имтиёзлар, иш ва дам олиш вақтлари бўйича «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти миқёсида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

2.2.7. Янги объектларни эксперт комиссиялари томонидан қабул қилиш, шунингдек, бахтсиз ходисаларни текшириш ишларида иштирок этиш учун ўз вакилларини жўнатади.

2.2.8. Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси бўйича қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

2.2.9. Иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини, шунингдек мазкур қелишувдаги мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилинади.

2.2.10. Ижтимоий-меҳнат қафолатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини таъминлаш, иш вақти режими ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимларни саломатлигини сақлаш масалалари бўйича иш берувчилар билан музокаралар олиб борилади ва ўз вақтида таклифлар киритилади.

2.2.11. Ишдан озод этилаётган ходимларни ҳимоя қилиш масалаларини, шунингдек ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этади.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек суд буйругини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади.

Янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш, ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таклиф этади.

Ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги таклифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўриб чиқиши учун киритади.

Инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини ва тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини белгилашда иштирок этади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари қамситилган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилади.

Қасаба уюшмалари ташкилотлари ташкилотларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқиши мажбурий бўлган

кўрсатмалар киритишга, шунингдек ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритади.

**2.2.11.** Қуйидагиларда иштирок этилади:

- меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича касаба уюшма фаолларининг ўқишлари, семинарлари ва кенгашларини ўтказишда;

- меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги ҳолати бўйича компания томонидан ўтказиладиган комплекс текширувларда;

- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича билимларини текширувчи комиссия ишида.

**2.2.12.** Корхоналарда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширилади, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ишларини яхшилашга қаратилган тақлифлар тайёрланади.

**2.2.13.** Корхоналар касаба уюшма кўмиталарига меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда, меҳнат муҳофазаси комиссиялари аъзолари ва жамоатчи вакилларни ўқитишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатилади.

**2.2.14.** Иш ҳақидан қарздорлик юзага келганда “Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича касаба уюшмаларининг ҳаракат тартиби”да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши таъминланади.

**2.2.15.** Мулкдор ёки унинг манфаатини ифодаловчи орган олдида меҳнат қонунчилигини бузётган ва мазкур келишувдаги мажбуриятларни бажармаётган иш берувчилар билан тузилган контрактни бекор қилиш тақлифини киритилади.

**2.2.16.** Жамиятда меҳнат ва технологик интизом мустаҳкамланишига, ички меҳнат тартибига риоя қилинишига ва меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашилади.

**2.2.17.** Ходимлар Жамият мулкани сақлаш, моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини тежаш тушунчаларини шакллантириш ишларини амалга оширилади.

**2.2.18.** Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича касаба уюшма фаолларининг малакаси оширилади, ўқув семинарлари ва курслар ташкил қилинади, ўтказилади.

**2.2.19.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар биргаликда қуйидагиларни амалга ошириш:

- бир ҳил қийматдаги меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш;

- ижтимоий йўналтирилган Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;
- иш берувчилар томонидан иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш;
- касаначилар, вақтинчалик мавсумий ходимлар, шунингдек ходимларнинг бошқа ижтимоий ночор тоифалари манфаатларини ҳимоя қилиш;
- корхона банкротга учраши ёки қайта ташкил этилиши натижасида бўшаб қолган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

### **III. Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари.**

**3.1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроси таъминланади.

**3.2.** Ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солиш ва меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатларни ижтимоий шерикчилик тамойили асосида ривожлантирилади, ўзаро манфаатларни ва тенг ҳуқуқлилиқни ҳурмат қилинади, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинади.

**3.3.** Ходимлар учун меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳамда мазкур келишувда белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг бажарилиши таъминланади.

**3.4.** Маънавий-маърифий ва маданий-оқартув ишларини ривожлантириш, турли тадбирлар ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва уларни амалга ошириш, ҳамкорликда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларини мувофиқлаштириб борилади.

**3.5.** Ёзги соғломлаштириш мавсумини талаб даражасида ўтказилишини таъминланади. Болалар оромгоҳлари йўлланмалари тўлиқ қийматини қоплаш учун қуйидаги миқдорларда маблағ ажратилишини кўзда тутилади:

- ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан - ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг 22,5% миқдорида;
- касаба уюшма маблағлари ҳисобидан – ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг 25% миқдорида;
- ота-оналар бадаллари ҳисобидан - ижтимоий суғурта сметаси баҳосининг 27,5% миқдорида;
- қолган қисми хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан.

Бунда кам таъминланган ва кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ҳамда ногирон-болаларни бепул йўлланмалар билан таъминланади.

**3.6.** Қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликда чоралар кўрилади:

- ходимлар ва уларни оилаларининг турмуш даражасини ошириш;
- хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш;
- меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш.

**3.7.** Корхоналар, бўлинмалар ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларининг ижтимоий шерикчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича ўқишларини ташкил қилинади.

**3.8.** Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этилади, кам таъминланган болали аёлларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилиши таъминланади.

**3.9.** Маҳаллалардаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳукумат қарорлари асосида ўтказиладиган хайрия хашарларида фаол иштирок этилади.

**3.10.** Кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини ҳар йили касаба уюшмалари санаторияларида корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилишини жамоа шартномаларида кўзда тутилади.

**3.11.** Корхоналарда жамоа шартномаларининг тегишли йилни март ойидан кечиктирмай тузилишини таъминланади.

**3.12.** Корхоналар жамоа шартномаларининг касаба уюшма Республика кенгаши раёсатининг қарори билан тасдиқланган “Жамоа шартномаларининг тармоқ макети”га мувофиқлиги таъминланади.

**3.13.** Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун тармоқ касаба уюшма фаоллари ва иш берувчилар вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этилади.

**3.14.** Ходимларни санаториялар ва санаторий-профилакторияларда соғломлаштириш учун зарур бўлган маблағлар ажратилади. Маблағларни ажратиш тартиби ва миқдори жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**3.15.** Корхоналарга касаба уюшма аъзоси бўлмаган янги ходимларни ишга қабул қилишда уларга касаба уюшмасига аъзо бўлишлик таклиф этилади ва аъзолик афзалликлари асосланади.

**3.16.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилади, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

3.17. Жамият малака ошириш бўйича ўқув дастурларига “Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари” мавзусида таълим курслари киритилади.

3.18. Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширилади.

3.19. Колл-марказлар, ишонч телефонлари ва виртуал қабулхоналар тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштирилади.

3.20. Жамиятда Халқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи конвенцияларига риоя этишга доир чоралари тизимини ҳар йили таҳлил қилинади.

3.21. Жамият миқёсида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттирилади.

3.22. Ягона музокаралар жараёнини тадбиқ этиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

- тармоқ (тариф) келишувини – тегишли йилнинг январь ойидан, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузишни;

- тармоқ (тариф) келишуви ва жамоа шартномаларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоалари умумий йиғилиш (конференция)ларда тегишли йилнинг I апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

- касаба уюшма Республика Кенгаши ходимларини ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказиш ва амбулатор даволаниш.

#### IV. Бўлим. Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар.

4.1. Жамият ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимояси масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- халқаро меҳнат ташкилотининг 138 ва 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

- ёш мутахассислар кенгашини тузиш, ёш ишчилар ва мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- корхоналарнинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасалари ва ўқув курсларида ёш ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

- ёшларни билим салоҳиятини ошириш мақсадида, уларнинг замонавий билимлар, хорижий тил, компьютер саводхонлигини мукамал эгаллашларига ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улардан кадрлар захирасини шакллантириш;

- корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан ёш мутахассислар, ижтимоий кам таъминланган ходимлар тоифасига кирувчиларнинг уй ижара тўловларини тўлаб бериш.

- бошқарув салоҳиятига эга бўлган иқтидорли ёш ходимларни таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва сайланма қасаба уюшма органлари раҳбарлари лавозимлари захираларига қабул қилиш амалиёти кенгайтирилишига кўмаклашиш;

- “Устоз-шогирд” тизимини кенг жорий этиш ва таълим муассасаларини битириб янги ишга қабул қилинган ёшларни малакали ва тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйиш ҳамда қўнимлигини таъминлаш;

- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

- келишилган шартномалар асосида ўқув ишлари бўйича талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказишга шароит яратиш;

- талабаларнинг амалиёт дастурини бажаришда етакчи мутахассислар орасидан амалиёт раҳбарларини ажратиш ва зарурий шароитлар яратиш;

**4.2.** Жамият ёшлар учун Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257-моддалар);

в) таълим муассасасини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

**4.3.** Мазкур келишув мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ - 406 -сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги қонуни билан белгиланган “ёшлар”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” тушунчаларидан фойдаланилади.

## **V. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар.**

**5.1.** Тарафлар меҳнат муносабатлари соҳасида камситмаслик, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги, тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига қатъий риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

**5.2.** Тарафлар аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

**5.3.** Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида корхоналарда жамоа шартномалари орқали Меҳнат кодексига кўзда тутилган қуйидаги қафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш:

а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233- моддалар);

б) икки ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун (143, 227, 234, 236- моддалар);

в) уч ёшгача фарзанди бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228\*, 234, 237- моддалар);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (150, 232-моддалар);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, хомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалар);

ж) болаларни онасиз тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалар).

**5.4.** Аёлларни хоҳишига кўра туғишгача ва туғишдан кейинги таътилар тугагандан сўнг уларга икки ёшгача фарзанд тарбияси учун таътил бериш ва шу давр учун қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўлаш. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ таътилда бўлган аёлларга уларнинг хоҳишига кўра тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин, бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

**5.5.** Ҳомиладор аёлларнинг декрет таътиллари (туғишгача ва туғишдан кейин) учун корхоналар ҳисобидан ҳақ тўлаш. (**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699 сонли қарори асосида**).

**5.6.** Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклаш;

**5.7.** ишга қабул қилишда ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

**5.8.** хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

**5.9.** Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш; болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш.

## VI. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишлари.

### 6.1. Иш берувчи вакиллари:

**6.1.1. Касаба уюшмаси кўмитасига** ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган иншоотлар ва объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун берилади;

**6.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар кўйидагиларни ўз зиммасига оладилар:**

**6.2.1.** «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлаш;

*6.2.2. "Китобхон" бурчакларини ташкил этиш ва "Энг яхши китобхон" кўрик-танловини ўтказиш;*

**6.2.2.** Давлат дастурларини бажариш доирасида таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илғорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида, турли мавзуларда мазмунли ва кизиқарли учрашувлар ташкил этиш;

**6.2.3.** Жамият балансидаги ижтимоий соҳа объектлари, кутубхона, спорт соғломлаштириш масканлари фаолиятини **Корхона** ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни саклаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, уларда ишловчи ходимлар ойлик маошларини молиялаштириш. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқарашни ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш;

**6.2.4.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовар жойларга саёҳатларини, *театр, концерт ва музейларга таърифларини уюштириш;*

*6.2.5. Рағбатлантириш сифатида акциядорлик жамиятининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг камида 10 фоизини оила аъзолари*

билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини ташкил қилиш;

6.2.6. «Ички туризм ойлиги», «Ички туризм ҳафталиги» ҳамда «Ички туризм кунлари»ни, «Оилавий саёҳат таътили»ни ташкил этиши ва ўтказиши;

6.2.7. Ходимларга меҳнат қонунчилигига мувофиқ улар учун қулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериши;

6.2.8. Умумхалқ ва касб байрамларини, хусусан «Касаба уюшмалари кuni»ни нишонлаш, байрам муносабати билан касб маҳорати, спорт ва бадий хаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш;

6.2.9. Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислохатларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида «Маърифат соатлари»ни ўтказиб бориш.

**6.3. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар қуйидагиларни ўз зиммасига оладилар:**

6.3.1. Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш учун етарли моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш (махсус спорт хоналарини ажратиши) ҳамда меҳнат жамоасида «ходимлар гимнастикаси» ва «спорт дақиқалари»ни жорий этиши;

6.3.2. Технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга «ходимлар гимнастикаси» машқларини бажариши учун ҳамда иш вақтига киритиладиган «спорт дақиқалари» учун махсус танаффусларни белгилаш;

6.3.3. Соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорда устама белгилашни йўлга қўйиши;

6.3.4. Иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулоти (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шугулланишини ташкил қилиш;

6.3.5. Жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш.

6.3.6. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини қизиқишларига кўра спорт тўгаракларига қатнашлари учун имтиёзли чипталар билан таъминлаш;

6.3.7. Жамият балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва

майдончаларнинг фаолиятини **Корхона** маблаглари хисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилаш.

6.3.8. **Акциядорлик жамиятида** ойнинг бир шанба кунини “Спорт – саломатлик куни” деб эълон қилиш ва **бошқарув раиси** билан ҳамкорликда ходимларни спорт билан шугулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича чоралар белгилаш, жисмоний тарбия жамоаларини тузиш ва уларнинг ишини жонлантириш;

6.3.9. Ходимларни спорт кийимлари ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш, уларни спорт тадбирларига кенг жалб этиш;

6.3.10. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармаси” унитар корхонаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

## **VII. Бўлим. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасида.**

7.1. Жамият ва касаба уюшма Республика Кенгаши меҳнат жамоалари аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари максимал даражада таъминланишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тармоқ корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга оширади.

7.2. Овоз берувчи акциялари сони бўйича меҳнат жамоасининг улуши 1%дан кам бўлмаган акциядорлик жамиятларида асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма кўмитасининг раиси кузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодлар таркибига киритилади.

7.3. Меҳнат жамоасига тегишли бўлган акциялар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Низомга асосан тақсимланади.

7.4. Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларига бериладиган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни асосида амалга оширилади.

Акциялар учун ҳақ тўлаш тартибини давлат мулкни тасарруф этишга ваколат берилган орган белгилайди.

## **VIII Бўлим. Меҳнат низоларини ҳал этиш.**

8.1. Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиши юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида икки томонлама Якка меҳнат низолари комиссиясини тузади. Якка меҳнат низолари

комиссияси Иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси томонидан тенглик асосида тузилади.

**8.2.** Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (2015 йил 12 январдаги 20-66 с, 2015 йил 15 январдаги 01-СП), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради.

## **IX Бўлим. Келишувнинг бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш тартиби.**

**9.1.** Жамият ва касаба уюшма Республика Кенгаши:

**9.1.1.** Мазкур келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ҳамда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг тезкор ҳал қилинишига эришиш мақсадида корхоналарда доимий фаолият кўрсатувчи икки томонлама меҳнат консультациялари комиссияларининг ташкил қилинишини таъминлайдилар.

**9.1.2.** Заруриятга қараб, йилда камида бир марта келишувнинг бажарилишини Кенгаш ва Раёсат мажлисларида муҳокама қилиб боришади, ушбу масала бўйича жамият таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитадилар.

**9.1.3.** Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилишади, камчиликлар ва тадбирларни бажармаслик фактлари аниқланганда томонларни хабардор қилади ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб қиладилар.

**9.1.4.** Зарурат туғилганда ва фақат ўзаро келишилгандан кейингина ушбу келишувга томонлар олдин қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритадилар.

**9.2.** Келишув бажарилишининг йиллик якуни тўғрисидаги ахборот ҳар икки томон вакилларидадан иборат бўлган комиссия томонидан тайёрланади ва Жамият бошқаруви ҳамда касаба уюшма Республика Кенгаши ижроия кўмита кўшма мажлисида муҳокама қилинади.

**9.3.** Келишувни бажаришда томонлар ўртасида юзага келувчи баҳсли масалалар келишув комиссияси томонидан ҳал қилинади.

9.4. Келишувда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган ёки тўлик бажармаган масъул мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

9.5. Томонлар таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузилишлар юз берган ҳолда тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдирлар.

9.6. Келишувни тузган томонлар уни барча меҳнат жамоаларига ва касаба уюшма органларига етказишни таъминлайдилар.

9.7. Келишувни бажарилиши бўйича жавобгарлик Жамият бошқаруви раиси ва касаба уюшма Республика Кенгаши раиси, уларнинг ўринбосарлари ҳамда келишувдаги муайян тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

9.8. Мазкур Келишув томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва янги келишув қабул қилингунга қадар амал қилади.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси



Д.Исакулов

Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши




Ш.Қурбонов

**“Ўзбекистон миллий электр тармоклари” акциядорлик жамиятидан:**

- |            |  |  |
|------------|--|--|
| А.Назиров  |   | Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари,<br>комиссия ҳамраиси;           |
| Ф.Курбонов |   | Бошқарув раисининг ўринбосари,<br>комиссия аъзоси;                     |
| С.Холбоев  |   | Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи<br>бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси; |
| И.Хамидов  |   | Ходимлар билан ишлаш бошқармаси<br>бошлиғи, комиссия аъзоси;           |
| Ш.Ахмедов  |  | Юридик бошқармаси бошлиғи, комиссия<br>аъзоси.                         |

**Касаба уюшма Республика Кенгашидан:**

- |                |   |  |
|----------------|---|--|
| Ғ.Хамидов      |  | Республика кенгаши раисининг<br>ўринбосари, комиссия ҳамраиси;         |
| Р. Джураев     |  | Республика кенгаши ижтимоий ҳимоя<br>бўлими мудирини, комиссия аъзоси; |
| Б.Абдуллаев    |  | Республика Кенгаши бош меҳнат ҳуқук<br>инспектори;                     |
| З.Ибрагимова   |  | Республика кенгаши молия бўлими<br>мудирини, комиссия аъзоси;          |
| С.Саидмахмудов |  | Республика кенгаши бош меҳнат техник<br>инспектори, комиссия аъзоси.   |